

Бухоронинг сўнги амири Амир Олимхон тақдир тақозосига кўра, 1920 йил 1 сентябр, душанба куни Бухоро шахрини тарқ этишга мажбур бўлди. Чунки, шу куни ленинчи болшевикларнинг Михаил Фрунзе кўмондонлигидаги кўшини Бухорога бостириб кириб, Мухаммад Али Божувонийнинг таърифлашича, "киёмати асгар"ни (кичик киёмат) юзага келтирди. 11 та аэроплан шахарни осмондан бомбардимон қилиши, пиёда босқинчи кўшинлар ҳамма ёққа ваҳшиёна ўт қўйиши, пулемётлардан ўзлуксиз ўқ ёғдириши натижасида 34 та гузар, 6 мингга яқин дўкон ва ховли, 20 га яқин сарой, 29 та масжид ёниб қол бўлди. Минглаб бегуноҳ одамлар қирилди. Мана шундай харобаларни юзага келтириш билан бир пайтда, Фрунзе амирликда чоракам икки аср тўпланган олтин хазинасини ҳеч қандай қаршилиқсиз вагонларга ортиб, ташиб кетади.

Россия публицисти Игорь Буничнинг "Золота партии" китобида ёзилишича, болшевиклар ҳокимиятни Германия кўшини ёрдамида босиб олиб, Россия хазинасини талаб-топтаб, ҳатто хориж банкларига ўтказганидан сўнг Бухоронинг олтин хазинаси илинжида бу ерга бостириб келади. Шу машъум воқеа содир бўлиши биланок, чоракам икки асрлик тарихда қатта салоҳиятга эга бўлган Бухоро амирлиги ва унинг ўзи билан тенгдош бехисоб олтин хазинаси абадул-абад барҳам топди. Мана шундан буён Амир Олимхон ва амирликнинг олтин хазинаси ҳақида турли афсона ва уйдирмалар пайдо бўлган. Бухоро амирлигининг олтин хазинаси амирлик юзага келган пайтдан бошлаб жамғарилган ва роппа-роса икки аср давомида ўзлуксиз тўлдирилиб келинган. Хазинага бу давр ичида Бухоро амирлиги тахтида ўтирган ҳар бир амир озми-кўпми ўз хиссасини қўшган. Бухоро амирлиги ва унинг сўнги ҳукмдори тарих саҳнасида кетиши билан олтин захираси ҳам талофотга учраб, болшевиклар томонидан таланган. Бухорода мангитлар ҳукмронлиги шох Раҳимхон ибн Ҳакимбий ибн Ҳудоёрхондан бошланади. У 1746 йили аштархонийларнинг сўнги вакили Абулфайзхонни, кейинчалик унинг икки ўғли - Абдулмўмин ва Абдуллони ўлдириб Бухорода тўла ҳукмронликни қўлга қиритади. Маълумки, бундан анча олдин - Амир Темур салтанати парчалангандан сўнг Бухоро Мовароуннаҳрда марказий шахарга айланган эди. XVI аср охирига келиб, у марказлашган йирик давлатга айланган. Бу давлат Шарқда Қашқар, Гарабда Орол ва Каспий денгизи соҳиллари, Шимолдан Туркистон ва Сайрам, Жанубдан Хуросоннинг шарқий қисмини ўз ичига олган. Биз фикр юритаётган хазинанинг тарихи шох Раҳимхон ҳукмронлиги даври билан ҳам боғлиқ. Чунки, мангитлар сулоласи аштархонийларнинг жуда қатта давлат хазинасини қўлга қиритиш билан ривож топганлиги сир эмас. Ана шу вақтдан эътиборан Бухоро давлатининг олтин хазинаси ўзлуксиз тўлдирилиб, махфий сақланиб келинган. Хазинага асосан бош хазинабон масъул бўлган. Унинг қарамоғида қирқдан ортиқ киши хизматда бўлган. Мамлакат қирим ва қикимини дафтарга қайд этиш ҳам хазинабонга юқлатилган. Амир Саййид Олимхон даврида "Жаллодбек" лақабли Имомқул исмли киши бош хазинабон бўлган.

Амир Олимхон хазинани одам тополмайдиган жойга яширгани, шунингдек, у хазина яширилган жойни биладиган энг содиқ одамлари ҳамда юзлаб қўриқчи ҳарбий йигитларини ўлдириб, фақат ўзигина ўша жойдан воқиф бўлиб қолган, деган миш-миш гаплар тўқилган уйдирмалар жумласидандир. Кейинги пайтларда, маълум бўлган воқелиқлар ва топилган ҳужжатларга таяниб, шуни қатъий айтиш мумкинки, Амир хазинани яшира олмаган ва унинг билан боғлиқ ҳолда ҳеч қимни ўлдирмаган.

Энди ўз-ўзидан табиий бир холда, хазина қандай сақлангани унинг миқдори қанча бўлгани ҳақида саволлар тугилади. Бунга ҳозирча биз ҳам бошқалар катори аниқ сонлар билан жавоб беришга ожизмиз. Лекин биз кейинги пайтда шу масала билан кизиқиб, кўпгина манбалар билан танишиб чиқишга муяссар бўлдик.

Хазина тарихи Бухорода мангитлар ҳокимиятни кўлга киритгандан бошланади. Унинг миқдори ҳам ҳеч қачон аниқ бўлмаган. У доимо узлуксиз равишда йилма-йил тўлдирилиб борилган ва ўта махфийликда ер остида сақланган. Хазинабонлар эса умр бўйи хизмат қилган ёки хазина сирини ошқора бўлишига шубҳа тугдирганлари дарҳол ўлдирилган. Шунини ҳам айтиш жоизки, хазина миқдори шу давргача кўпчилик диққатини тортиб келган. Махмудхўжа Бехбудий "Ойна" журналининг 1914 йил, 25 сонидида хазина ҳақида қуйидаги тахминини ёзади: "... Хозир Бухоро амири тасарруфи остида бўлган хазина шу даражада мўлки, ҳеч бир мамлакат хазинасида бул даражада эҳтиёт сақланган олтин ва қумуш пул, тилло ёмбилар бўлмаса керак. Бухоро амири саночларида сақланаётган олтин ва қумуш пуллар бўйи 50 олчин, эни 20 олчин ва баландлиги 8 олчин бўлган бир тогдан иборатдур." Бир олчин 70 сантиметр эканини эътиборга олган холда, бу "тоғ"нинг ҳозирги ўлчовдаги тушунча ва тасаввурда кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, у 2 744 куб метрни ташкил этади. Бу албатта, шунчаки тахмин ва ўхшатиш, ҳолос. Хуллас, Бухоро амирлигининг олтин захираси бекиёс даражада кўп бўлган. Бирок ундан ҳеч вақт на мамлакат ва на халқ манфаати йўлида фойдаланилмаган. Буни Амир Олимхоннинг бобоси Амир Музаффар билан унинг аёнлари орасида Россия босқини арафасида мамлакат, халқ ва дин учун жуда оғир бир пайтда бўлиб ўтган тарихий мулоқот ҳам тасдиқлайди. Сарой амалдорлари унга хазина олтинлари ҳисобидан чет элдан лашкар ёллаш ва ҳарбий техника сотиб олиши учун катта миқдорда пул чиқаришни таклиф этганлар. Бунга жавобан Амир ўз аждодларидан мерос бўлиб келаётган сарой "сири" ва "анъаналари"ни, гарчи бундан салтанат зарар кўрса-да, бузишга ҳаққа йўқлигини, падари бузруквори хазинаси ҳеч қачон очилмаганини айтади. Амир Олимхон ҳам ҳеч қаерда ёзилмаган бу қонун ва анъаналарига то Фрунзе бошчилигидаги кизил аскарлар Бухорога бостириб келгунига қадар содиқ қолган. Фрунзе 1917 йилда хазинадаги бойлик миқдорини аниқлаш учун махфий буйруқ беради. Ушбу вазифани бош вазир Мирзо Насрулло Бий Кушбеги ўта махфий равишда адо этади. Абдурауф Фитратнинг ёзишича, шу воқеадан сўнг вазир 1918 йилнинг мартада хибсага олинади ва Амир ҳукмига кўра қатл қилинади. Аммо Амир Саййид Олимхоннинг қуёви, кейинчалик Туркияга кўчиб кетган Асатулло Гуванар Урганжийнинг амакиваччаси Сафарбек Урганжийнинг айтишича, Насрулло Кушбегининг ўлими хазина рўйхати ва сири билан боғлиқ эмас. Амир Бухорони 1920 йил сентябрда ташлаб кетгандан кейин Кушбеги большевиклар томонидан ўлдирилади. Ҳарбий кўмондонлик эса очикдан-очик талаш ва ўзаро "фаҳрий" қуролларни бўлиб олиш билан бирга амир хазинасини махсус ташкил этилган эшелонларда Тошкентга жўната бошлайди. 5 сентябрда жанговар раҳбарлар Бухоро Инкилобий кўмитаси аъзолари билан ўтказган мажлис қуйидагича қарор қабул қилади: "Бухоро республикасининг бойликлари ҳарбий ҳаракатлар пайтида ўғирланиш хавфи қучли бўлганлиги сабабли уни кўриклашга ҳеч қандай имконият йўқлигига иқроқ бўлинган холда, Бухоро Инкилобий кўмитаси шаҳарда хотиржамлик бўлиши учун бу бойликларни Самарқанд ёки Тошкентдаги Халқ банкининг бирорта бўлимида сақлашни ўз зиммасига олишини РСФСРдан илтимос қилади". Бундан

Бухоро амирлигининг олтин хазинаси

Муаллиф:

26.01.2014 02:35 -

кўришиб турибдики, Амирдан колган хазинанинг катта бир қисми "Ўғирланишидан асраш" ва амир Сайид Олимхон "кайтиб келиши" хавфи бахонаси остида хуфёна олиб кетилган. Бухоро совет ҳукумати топиб олган хазина микдорининг ўзи ҳам юкорида маълум бўлганидек анча салмокли эди. Кушбеги томонидан рўйхатга олинган бойликлар куйидагилардан иборат бўлган:

Бойлик	Микдори	Пул киймати
Бухоро тилласи	1145 380 тўп	5 741900 сўм
Рус тилласи	635100 сўм	4 376100 сўм
Ёмби холидаги Гамбург кумуш (17 тонна 728 кг)	1108 пуд	706 400 сўм
Ёмби холидаги Гамбург кумуш (45 тонна 404 кг)	2 941 пуд	4 6400 сўм
Маида рус кумуш тангалари	1885 пуд (22 тонна 160 кг)	346 200 сўм
Бухоро тангаси	62 834 780 тўп	9425 219 сўм
Тилла кукуни	16 пуд (1 тонна 56 кг)	266 592 сўм
Рус банки кумуши	864 пуд (13 тонна 724 кг)	
Турк тилла лираси	90 420 сўм	
150 каратлик бриллиантлар	1 730 600 сўм	
Бриллиант узук ва тақинчалар	230 400 сўм	
Кизил ёкутлар	209176 сўм	
Марваридлар	9 550 000 сўм	
Тилла парчалари	150 000 сўм	
Кумуш парчалари	50 000 сўм	
Бухоро мис тангаси	731 пуд (5 тонна 696 кг)	4 386 сўм
Жами	73 252 380 сўм	

Жами 34 номдаги кимматбаҳо буюмлар рўйхатга олинган.

Шахсан Амир ва оиласига тегишли бойликлар - йирик бриллиантлар - 3 482 карат (522 000 сўм). Шунингдек, буюмларга тикилган бриллиантлар - 966 карат (1 730 950 сўм), буюмларга тикилган бошка кимматбаҳо тошлар - 8 617 карат (1 034 140 сўм) каби ракамлар мулк сифатида қайд қилинган.

Бу рўйхатга Амирнинг Регистон ва эски Бухородаги энг асосий бойликлари кирган, холос. Мирзо Насрулло Бий Кушбеги рўйхатига музейбоп ва бадий кимматга эга бўлган нодир буюмлар, айникса, Лион ипаклари бўлими, Амир оиласига совга қилинган ва Карманада сакланадиган зеб-зийнатлар ҳамда тиллаларнинг аксарият қисми кирмаган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Амир яқинларининг бойлиги ҳам хазинага тегишли деб қаралган...

...Юкорида келтирилганлар хазинанинг ҳаммаси эмас, албатта. Бизга маълум бўлган бошка маълумотлар амирлик хазинаси бундан анча кўп бўлганидан далолат беради.

1921 йилнинг ёзида уларни янада "ишончли жой" - Москвага олиб кетиш масаласи анча кизгин муҳокама қилинади. Бирок, ўшанда РСФСР ташки ишлар вазири Г.В.Чичерин бунга қарши чиқиб, 4 июлда РКП(б) Марказий қўмитаси қотиби В.М.Молотовга хат ёзиб

шундай дейди: "Мен [РСФСР Молия халк комиссариати коллегияси аъзоси] ўрток Альскийдан билишимча, бизлар Тошкентда сакланаётган Бухоро олтинларига эгалик килишимиз хакида масала кўтарилибди. Бу жуда хавфли ва зарарли кадам. Бухоро инкилоби пайтида бизнинг харбий кисмларимиз афсуски, баъзи бир нарсаларни талон-тарож килиб келдилар. Ўша пайтда Бухоронинг каттагина бойлиги Тошкентга олиб кетилди. Бу тўғридаги ахборот бутун Шаркка ёйилиб, бизнинг обрўйимизга жуда катта зиён етказди. Бундан инглизлар бизни "Шаркни кул килувчилар ва босиб олувчилар" деб кўрсатишда фойдаланмоқдалар. Масалан, бу Хиндистонда катта шов-шув уйготди. Шуни хисобга олиб, биз хозир олиб кетилган бойликларни Бухорога қачонки, у ерда осойишталик пайдо бўлгач кайтариш учун шунчаки сакламоқдамиз, деб кўрсатишимиз мумкин. Агар биз бу олтинларни ўзимизники килиб олсак, унда ахвол тузатиб бўлмас даражада ёмонлашади. Унда биз нафакат Бухоронинг, балки ҳамма миллий кайфиятдаги оммани, балки бутун Шаркни ўзимизга карама-карши килиб кўямиз. Биз ўша мақсадимизга анча кийинрок йўл, яъни бухороликлар билан келишиш оркалигина эришишга ҳаракат килишимиз керак. Бизлар у ердан хаддан ташқари кўп хом-ашё олиб кетдик, аммо уларга тенг кийматлик ҳеч нарсани бермадик. Бухороликлар ўзларини бизлар томонимиздан хафа ва талон-тарож килинган деб биладилар. Бу таассуротни янада кучайтиришимизга ҳожат йўқдир". Амирлик қадимдан олтин қонига эга бўлган. Бундан ташқари, Бухоро амирлари ташқи савдони ривожлантириб, Хиндистон ва Европа билан иш олиб борганлар. Бошқа мамлакатларга кўп миқдорда қоракўл тери, гилам ва бошқа қимматбаҳо молларни чиқарганлар. Амир олимхон эса савдодан тушган пулларни хориж банкларида саклаган. Унинг хозирга қадар Пешавор (Покистон), Бомбей (Хиндистон), Париж (Франция) ва Лондон (Англия) шаҳарларида катта миқдорда пул маблағи сакланиб қолганлиги хакида ҳам маълумотлар бор...

*Бир тўпда қанча тилло борлиги ҳужжатларда маълум эмас. 100, 1000 ва ундан ҳам кўп олтин тангалар бўлиши тахмин қилинган.

Фойдаланилган манбалар:

1. Абдурашидхонов М. Хотираларимдан (Жадидчилик тарихидан лавҳалар). Нашрга тайёрлаган С. Холбоев. Т: «Шарк», 2001, Б. 127
2. Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасратли тарихи. - Т.: «Фан», 1991, Б. 32
3. Березиков Е. Легендм и тайнм Узбекистана. - Т.: Из-во литературы и искусства им. Г. Гуляма, 1991, С. 271
4. Березиков Е. Красная Бухара. Роман. Кн.первая. Черный перевал. Книга вторая. Последний эмир. - Т: Из-во культуры и искусства им. Г. Гуляма, 1988, С. 528
- б. Генис В. «С Бухарой надо кончать...» К истории бутафорских революций. Документальная хроника. - Москва. МНПИ, 2001, Б. 92

Сотимжон ХОЛБОЕВ,
тарих фанлари номзоди, ЎзМУ доценти